SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 2-AVGUST ■ SHANBA ■ 90 (27.110) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ДЕҲҚОН МАНФААТИ — ЮРТ МАНФААТИ

Қашқадарёда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари билан яқиндан танишиш учун вилоятга келган Президент Ислом Каримов 1 август куни Қарши шаҳридаги сержантлар мактабига борди.

Армиямизнинг муҳим бўғини ҳисобланган сержантлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Жаҳон тажрибасидан аскарни ҳақиқий жангчи сифатида тайёрлашда сержантларнинг аҳамияти нечоғли катта экани маълум.

Ислом Каримов аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида масаланинг шу томонига алоҳида эътибор берар экан, сержантлар тайёрлаш ишини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш-ўрганиш шароитини яхшилашга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, бу борада тегишли раҳбарларга зарур маслаҳат ва топшириқлар берди.

Ислом Каримов Шаҳрисабз туманида ҳам бўлди.

Болта Фозилов номидаги ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Раҳмон Юсупов даласидаги учрашув чоғида деҳқонни рағбатлантириш масаласига катта эътибор қаратилди. Гап шундаки, илгари «юқоридан» белгиланган режа асосида иш юритилар, меҳнатдан манфаатдорлик туйғусига деярли эътибор йўқ эди. Ҳозир пахтани ўзимиз сотяпмиз. Демак, деҳқоннинг ўзи яхши ҳосил олишдан бевосита манфаатдор. Бинобарин, режани унинг ўзи белгилаши, хўжалик билан шартнома тузиб, шу асосда ишлаши керак. Ана шунда ишда унум, ҳосилда барака бўлади. Туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги шартномавий режалар бажарилиши ҳам таъминланади.

Ислом Каримов ташаббус деҳқоннинг ўзидан чиқиши муҳимлигини таъкидлади. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги Яҳё ота Эргашев оиласи меҳнат қилаётган пахта даласида учрашув чоғида ҳам шу мавзу атрофида суҳбат давом эттирилди.

Президентимиз фермерликнинг афзалликлари билан, пахта уруғининг турларига меҳнаткашлар қандай муносабатда эканлиги билан қизиқди. Қувонарли жиҳати шундаки, пахтакорлар меҳнатдан қониқиш ҳосил қиляпти. Чунки даромаднинг чўғи ўз қўлида эканлигини англаб етмоқда.

Яҳё ота 14 фарзанди билан шу ерда меҳнат қилиб, кам бўлгани йўқ. Ҳар йили мавсум сўнггида кўзланган маррасини эгаллаётир.

Юртбошимиз масаланинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратар экан, ер ва меҳнат тақсимотида ҳар бир минтақада ўзига хос шароитдан келиб чиқиш зарурлигини қайд этди. Дейлик, Шаҳрисабз туманида ишга яроқли киши ҳисобига 1,5-2 гектар ер тўғри келади. Бу рақам вилоятнинг бошқа туманларида нисбатан каттароқ. Иш ва ерни шундай тақсимлаш керакки, ишлаган одам меҳнатига яраша фойда олсин. Аҳолининг зичлиги ва экин майдонларининг ҳажмига қараб меҳнат тақсимоти амалга оширилса, кўзланган фойдани олиш мумкин. Деҳқон етиштираётган ҳосилда эса алал-оқибат эл-юрт манфаатлари акс этади. Айни вақтда жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласи доимий эътиборда бўлиши даркор.

Президентимиз Ислом Каримов дала меҳнаткашларининг барча ишларида янги зафарлар тилади.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига сафари ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири

✧✧✧

Суратда: ташриф пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифи тўғрисида

2003 йил 6 август куни Россия Федерацияси Президенти В.Путин Ўзбекистонга амалий ташриф буюради.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

Маҳсулот: ўзимизники, Ўзбекистонники!

«КЕЙС»ЛАРГА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

— Илгари улар асосан хориждан келтирилар эди. Бу йил эҳтиёт қисмларнинг элликдан зиёд турини ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйиш ҳисобига миллионлаб сўм валютамизни тежаб қолишга эришдик, — дейди «Жиззахтаъмир» ҳиссадорлик жамияти раиси Холмурод ЛАПАСОВ.

Вилоят ғаллакорлари бу йил давлатга 268 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб беришди. Ўрим-йиғим ишларида 120 та «Кейс» русумли хорижда ишлаб чиқарилган ғалла комбайнларидан фойдаланилди. Ўз-ўзидан маълумки, уларнинг унумли ишлаши учун одатда турли хил эҳтиёт қисмларга зарурат сезилди. Аввалги ўрим мавсумларида вилоятда бундай эҳтиёт қисмлар валютага хориждан келтирилган бўлса, энди уларнинг эллик уч тури шу ернинг ўзида тайёрланди.

— Масалан, «Кейс»лар учун «фил қулоқлар» (барабан ичидаги пичоғи билан) тайёрлашни йўлга қўйдик, — дейди механика цехи бошлиғи Норқул Алмуродов. — Олдин бундай «қулоқлар» нинг учтасини чет элдан олиб келиш 860 АҚШ долларига тушарди. Бу йил эса бор-йўғи 56 минг сўмга шунча «фил қулоқ» тайёрлаб бердик.

— Пружинали бармоқчалар деган эҳтиёт қисм тез-тез синиб қолаётганди, — дейди тажрибали чилангар Борис Аганесян. — Изланишларимиз самара берди. Илгари 12 АҚШ долларига сотиб олинган ҳар дона шундай «бармоқча»ларни бу йил атиги 1514 сўмга тайёрладик.

— Жиззахда тайёрланган эҳтиёт қисмларга гап йўқ, — дейди Дўстлик тумани машинатрактор паркининг ғалла ўриш комбайни оператори Анваржон Собиров. — Уларнинг сифати, пухталиги хорижникидан зиёд бўлса зиёдки, кам эмас.

Шу кунларда таъмирлаш корхонаси ишчи-хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Келгуси йил ўрим-йиғими учун ҳам ҳозирдан буюртма кўп. Ҳар куни бу ерда 700-750 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда. Аҳил жамоа шу йўл билан шу йил мавсум давомида қарийб 40 миллион сўмга яқин маблағ иқтисод қилишди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

СОВРИНДОРЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КОРХОНАЛАРИ

Нью-Йоркда халқаро аъло сифат мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бизнес ташаббуслари дирекцияси (Business Initiative Directions) компанияси томонидан жорий этилган мазкур мукофот дунёдаги энг нуфузли совринлардан биридир, ишлаб чиқариш жараёнида юқори сифатга эришган корхоналарга берилади.

Бу йилги совриндорлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг икки корхонаси — саноатимиз фахри бўлмиш Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда юқори технологиялар ва электрон-оптик жиҳозлар соҳасида донг таратган INTER MICRO компанияси ҳам борлиги қувонарлидир.

Айтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида юртимиз корхоналари бир неча бор бу каби мукофотларни қўлга киритишган.

Б.МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА,
Нью-Йорк.

ТОКИОДА ТУРИЗМ ТАДБИРИ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижобий ўзгаришлар кунчиқар ўлка — Японияда акс-садо бера бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Японияда элчихонаси биносида ўтказилган семинар мамлакатимиз туризм салоҳиятига бағишланди ва тадбирда иштирок этган Японияннинг етакчи сайёҳлик гуруҳлари Ўзбекистондаги туризм соҳаси ҳақида бир қатор ижобий фикрлар билдиришди.

Японияннинг етакчи сайёҳлик гуруҳи «Уорлд Эйр-Си Сервис» компаниясининг бошқарувчиси жаноб Катсуҳиро Катсуми тадбирни очар экан, «Биз — Японияда туристик компаниялар вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мамлакатда ушбу соҳани ривожлантириш борасида қатор амалий ишлар йўлга қўйилаётганидан мамнунмиз»,— деди. Унинг фикрича, замонавий қулайликларга эга бўлган меҳмонхоналарнинг қурилиб, ишга туширилаётганининг ўзи сайёҳлик хизматини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун жуда катта аҳамият касб этади. «Ўйлайманки, яқин келажакда Япония ва Ўзбекистон ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик янада кенгаяди»,— деди жаноб Катусми.

Ўзбекистон Республикасининг Японияда Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Очилов тадбир иштирокчиларига Буюк ипак йўлида жойлашган Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги қадим алоқалар тарихи ҳамда ана шу муносабатлар истиқболлари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Японияда ваколатхонаси ходимлари эса икки мамлакат ўртасида мунтазам йўлга қўйилган авиақатновлар, республикамизга ташриф буюраётган японияслик меҳмонларнинг сони кўпаяётганлигига эътибор қаратишди.

Тадбирда Японияннинг етакчи сайёҳлик гуруҳлари, жумладан «Уорлд Эйр-Си Сервис Ко.Лтд» ва «Жей-Ти-Би» компанияси раҳбарлари, шунингдек, Токиода фаолият олиб бораётган мустақил туризм агентлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА,
Токио.

ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИ — СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИДИР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, олдимизда турган энг муҳим, кечиктириб бўлмас вазифалардан бири — бу қонунчилик ислоҳоти эди. Совет тузуми яратган қонунлар билан яшаш асло мумкин эмасди. Чунки, шўро ҳукумати қонунлари инсон манфаатларига зид, бошдан-оёқ жазолаш принципига асосланган эди.

Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, миллий удумларимиз, анъаналаримиз асосида ўз қонунларимизни ярата бошладик. Асосий Қонунимиз — Конституциямизда ана шу миллийлик, меҳр-мурувват ўз ифодасини топди, инсон манфаатини ҳимоя этиш бош мақсад қилиб белгиланди. Конституциямиз асосида яратилган барча янги қонунларимизнинг мақсад-моҳияти инсон эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясига қаратилди. Қонунчилигимиз ижодкорлигига раҳнамолик қилиб келаётган Юртбошимиз ташаббуси билан 2001 йил 26 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи чақириқ олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди ва у 2001 йил 18 октябрдан кучга кирди.

2-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

ДАСТЛАБКИ ДОВОН ОРТДА ҚОЛДИ

Кеча мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида ёшлар учун катта ҳаёт бўсағасидаги илк имтиҳон — тест синовлари бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бугунги кунда ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда ва ўз самарасини бермоқда. Мана ўн йилдирки, мамлакатимизда олий ўқув юртларига кириш истагидаги ёшлар тест синовидан ўтади. Ўзбекистонда тест тизими МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб жорий этилди.

Тошкент автомобиль-йўллар институтида бу галги тест синовлари ҳам тартибли ва уюшқоқлик билан, адолатли ҳамда холислик таъминланган ҳолда ўтди.

— Институтимиз Марказий Осиёда автотранспорт соҳасида малакали мутахассислар тайёрловчи ягона илмий маскан, — деди ЎзА мухбирига Тошкент автомобиль-йўллар институти ректори Сарвар Қодиров. — Бу йил режага кўра, бакалавриат йўналиши бўйича 805 нафар талаба қабул қилинади. Ҳолбуки, тўрт минг нафарга яқин ёшдан ариза тушди. Бу ёшларимизда билим олиш истаги нечоғли баландлигидан дарак...

Бу йил юртимиз олий ўқув юртларида бир қанча янги йўналишлар, ихтисосликлар ҳам ташкил этилди. Жумладан, Олий ҳарбий божхона институти очилди. Оролбўйи минтақаси учун малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш йўлида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали ташкил этилди. Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ филиалига алоҳида танлов эълон қилинди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналишига оид касбий таълим мутахассислари тайёрланадиган бўлди. Ўзбекистон Миллий университетида архившунослик, лазер техникаси ва лазер технологиялари каби йўналишлар бўйича ҳам мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Жорий йилда республикамизда давлат тасарруфидаги мавжуд 63 олий ўқув юртига бакалавриат йўналиши бўйича 51100 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Олий ўқув юртларига талаба бўлиш истагида ариза топширган ёшлар сони эса бир неча баробар кўп. Демак, синовлардан фақат юксак билим ва савияга эга ёшларгина ўтади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

✧✧✧

Суратларда: Тошкент автомобиль-йўллар институтидаги тест синовларидан лавҳалар.



Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

ЮЗ ФОИЗ МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

Чуст туманида Швейцариянинг DAIE фирмаси ҳамкорлигида 213 иш ўринга мўлжалланган «Чуст Голден Фрут» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Бир миллион етти юз минг АҚШ долларилик замонавий ускуналар Италиянинг «ALBERTO BERTUZZI» фирмасидан келтирилди. 24 нафар ишчи операторлик вазифасига шу ернинг ўзида ўқитилди.

Корхонада ўрик, шафтоли, нок, олхўри, олмалардан мева пюреси ва помидордан томат-пастаси қайта ишланиб, 200 килограммли махсус идишларда хорижга экспорт қилинади.

Дастлабки маҳсулотлар Россия, Польша ва Германия давлатларига жўнатила бошланди. — Маҳсулотларимизни юз фоиз хорижга экспорт қиламиз, — дейди корхона бошлиғи Анвар Олимжонов. — Шу йилнинг ўзида Россиянинг «Вимм-Билл-Дан» ва «Мултон», Польшанинг «MAREX» ва Германиянинг «Konrad Yunke» фирмалари билан тўрт минг етти юз тонна маҳсулот етказиб беришга шартномалар тузганмиз.

А. Олимжоновнинг таъкидлашича, корхона хўжаликлар, фермерлар ва аҳолидан яхши нархларда помидор ҳамда мевалар қабул қиляпти. Чуст шаҳрининг ўзида мева қабул қилувчи «FOOD SERVICE» базаси ташкил этилди. Наманган вилоятининг барча ширкат хўжаликлари ва фермерларига шу йилнинг март ойида икки юз миллион сўм бўнак тарқатилди.

Корхона бир кеча-кундузда 300 тонна помидор ва 200 тонна мевани қайта ишлаш қувватига эга. Бошқарув компьютерлаштирилган.

Чорвачилик учун сервитамин ем ҳисобланган мева чиқиндиси чорвадорларга арзон баҳода сотиляпти.

«Туркистон-пресс»

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши — жамиятимизни эркинлаштириш борасидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотининг муҳим босқичи бўлиб, жиноят қонунчилигида тубдан бурилиш ясади. Адолат ва инсонпарварлик, бағрикенглик ва миллий анъана, урф-одатларга ҳурмат руҳидаги ғоялар билан суғорилган янги Қонун самарасини бугунги кунда халқимизнинг ўзи кўриб, билиб турибди.

Биргина жиноятларни таснифлаш мезонларининг ўзгартирилиши ва жазолар эркинлаштирилишининг натижаларини Тошкент вилояти мисолида олиб кўрайлик. 1998-2001 йилларда умумий судланганлар сони 5945 тадан 7589 тага ўсган бўлса, 2002 йилнинг биринчи ярмига келиб, бу кўрсаткич 2688 тага тушди. Энди судларда жазо тайинлаш амалиётини кўздан кечирайлик. 1998 йилда судланганларнинг 54,1 фоизи озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. Бу кўрсаткич 1999 йилда 52,0%ни, 2000 йилда 50,6%ни ташкил этган. 2003 йилнинг биринчи ярмида эса судланганларнинг 35,0 фоизи озодликдан маҳрум этилиб, 65,0 фоизига бошқа турдаги жазолар тайинланган.

Шунингдек, иқтисодиёт соҳасида жиноят содир қилган 213 та жиноят иши бўйича 328 нафар шахсга нисбатан етказилган 688.902.084 сўм миқдордаги моддий зарарнинг ихтиёрий равишда қопланганлиги сабабли озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган. 31 та жиноят иши бўйича 32 нафар шахсга нисбатан эса озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ тайинланган жазолар кейинчалик 68.535.459 сўм миқдоридаги моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги сабабли озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ўзгартирилган. Шунингдек, тайинланган жазони янги Қонунга мувофиқлаштириш жараёнида 738 нафар шахснинг жазоси енгиллаштирилди.

Бир қараганда бу рақамлар оддий статистик маълумотга ўхшайди. Аммо уларнинг ҳар бири ортида инсон тақдири ётибди. Қамоққа олинган ҳар бир одам билан биргаликда унинг ота-онаси, оиласи, фарзандлари, қариндошуруғлари баб-баравар азоб тортади, алам-изтиробларни бошидан ўтказади. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши эса нафақат судланаётган шахс, балки унинг ўнлаб яқинларини ҳам ташвиш ва изтироблардан қутқазиб қолди. Шунинг учун ҳам ушбу Қонуннинг жамиятда ижтимоий адолат тантанасининг қарор топишидаги аҳамияти беқиёсдир.

Буни кенг жамоатчилигимиз тўла англаб етмоғи лозим, чунки илгари қасддан жиноят содир қилганга ҳам, тасодиф туфайли ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганга ҳам хавфли жиноятчи унсур сифатида ёндашиб, ҳимояга бўлган ҳуқуқлари топталиб, озодликдан маҳрум этиб юборилаверарди.

Бугунга қадар жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётда мисли кўрилмаган янгилик тарзида эътироф этилаётган, нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, балки ривожланган демократик давлатлар қонунчилигида ҳам ўхшаши йўқ институтлар сифатида қонунчилигимизга киритилган ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш, қўшимча жазо чораси — мол-мулкни мусодара қилиш жазосининг чиқарилиши ҳақида ҳам тўхтаб ўтишлик фойдадан холи бўлмайди.

Ўтган ярим йилда вилоят судлари томонидан 1670 шахс ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Бу, жиноят содир этган 1670 шахс оиласи ва фарзандлари бағрига қайтганлигидан далолат беради.

Ярашганлиги муносабати билан фуқароларимиз нафақат жазодан, балки «судланган»лик тамғасидан ҳам халос бўлдилар. Бир қарашда унчалик аҳамиятли бўлиб кўринмаган ушбу ҳолат илгари инсоннинг тақдирига, энг ачинарлиси фарзандлари келажагига қанчалик салбий таъсирини бошидан ўтганлар яхши билишади.

Шу ўринда мулоҳаза учун айрим мисолларни келтирай. 2002 йил 8 июль куни фуқаролар Т. ва М. оилавий можарони ҳал қилиш мақсадида қудалари К. хонадонига бориб, келишмовчиликни бартараф қилиш жараёнида қудаси К. ва куёви А.ларни уришиб, уларга соғлиқларини қисқа муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказишиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди айбланувчиларнинг ўз айбларига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишларидан пушаймонлик билдирганликлари, жабрланувчилар билан ярашганликлари, моддий зиён йўқлиги ва уларнинг муқаддам судланмаганликларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига мувофиқ жиноят ишини ҳаракатдан тугатган.

Яна бир мисол, 2003 йил 21 март куни фуқаро У. меросга бўлган мулк ҳуқуқи устида синглиси билан талашиб, уни қасддан уриб, соғлиғи бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд айбланувчи биринчи бор судланишини, айбига иқрор бўлиб қилмишидан пушаймонлигини, синглиси билан ярашганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига асосан жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Энди ярашилганлик институти қўлланилмасдан олдинги ҳолатни кўз олдимизга келтирайлик. Илгари бир маҳалла-кўйда яшовчи қўни-қўшни, танишбилишлар ва ҳатто эр-хотину, ота-ўғил, ака-укалар ўзаро можаролар, келишмовчиликлар оқибатида бир-бирларига тан жароҳати етказса, (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми, 106-109-моддалари, 110-моддаси 1-қисми, 111-моддаси) ўзаро ярашганлиги, бир-бирини кечирганлигидан қатъи назар, жиноят иши қўзғатилиб, баъзан ойлаб тергов ўтказилар, гувоҳ, жабрланувчилар қайта-қайта тергов идораларига чақирилиб сўроқ қилинар ва иш судга ўтказилиб кўп ҳолларда судланувчилар озодликдан маҳрум этиш жазосига маҳкум қилинар эди. Натижада, қўни-қўшни, яқин қариндошлар бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб, ўртадаги совуқлик, адоват баъзан оғир оқибатларга ҳам олиб келарди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақида»ги ҳамда 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорларининг қабул қилиниши ярашув институтини қўллаш имкониятларини янада кенгайтиришда судларга муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айниқса, пленум қароридаги «Етказилган зарар қопланмаган бўлса-да, жабрланувчининг зарарни қоплаш талабларидан воз кечганлиги ҳам Жиноят кодексининг 66[1]-моддасини қўллашга асос бўлиши эътиборда тутилсин», деб тўғри кўрсатилган.

Ҳақиқатда ҳам, етказилган зарарни тўлашни талаб қилиш ёки ундан воз кечиш бу фуқаронинг шахсий ҳуқуқи ҳисобланиб, бу ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масаласини фуқаронинг ўзи мустақил равишда ҳал қилиши жуда оқилона белгиланган.

Ярашув институтининг қўлланилиши қисқа даврда ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини инобатга олиб, бир таклифни айтмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддаси таъсир доирасига тушувчи жиноятлар масаласи тўғрисида яна бир ўйлаб кўрилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, безорилик билан айбланаётганларга (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 1-қисми) нисбатан ҳам жазони эркинлаштириш имкониятлари қўлланилса.

Яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталиш лозим деб ўйлайман. Илгари молмулкни мусодара қилиш деган умумий талаб қўшимча жазо сифатида кенг қўлланилиб, ижтимоий адолатсизликка йўл очарди. Маҳкумнинг бегуноҳ оила аъзолари, болалари ва яқинлари ноҳақ равишда моддий жабр кўриб, уларнинг мулкий ҳуқуқлари камситилар эди. Эндиликда бундай адолатсизликка барҳам берилиши натижасида, вилоятимиз миқёсида ўтган ярим йилда 611 нафар фуқаро бундай қўшимча жазодан озод бўлди.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, Қонуннинг ушбу нормасини қўллашда амалиётда тушунмовчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолларда жиноят предмети, қуроли, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулк ҳамда ўзгага етказилган моддий зарарни ундиришга қаратилган мулкни қонуний тарзда давлат эгалигига ўтказилишини мол-мулк мусодарасидан фарилаш лозим. Бундай тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида суд қарорларида мазкур масала асослантирилган ҳамда конкрет қонун нормаларини тўғри татбиқ этилган ҳолда қабул қилиниши зарур.

Либераллаштириш тўғрисидаги Қонунга киритилган яна бир муҳим янгилик бу — вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимининг ислоҳ қилинганлигидир.

Президентимиз Ислом Каримов II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маърузасида шундай деган эди: «Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик бу, аввало, биз катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш — аввало, биз, ота-оналар, давлатнинг зиммасига тушади». Бинобарин, янги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасида вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилган ҳолларда озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланмаслиги кўрсатилган бўлиб, бу ҳолат вояга етмаганларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имкониятларини янада кенгайтирди.

Пойтахт вилояти бўйича вояга етмаганларнинг судланганлик ҳолатини таҳлил этиб кўрайлик. 1998 йилда судланганларнинг 69,2, 1999 йилда 40,9, 2000 йилда 33,3 фоизи озодликдан маҳрум этилган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилнинг биринчи ярмида 15,4 фоизни ташкил этди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган ушбу Қонун кучга кирган пайтдан, яъни 2001 йил 18 октябрдан 2003 йилнинг 1 июль кунига қадар жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят, туман (шаҳар) судлари томонидан биринчи босқичда кўрилган жиноят ишлари бўйича 411 нафар вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиб, улар ота-онаси, оиласи бағрига қайтарилди. Бошқача айтганда, 411 нафар болалар ва ўсмирларга тузалиш йўлига ўтиш, ҳаётда ўз ўринларини топиб олиш, уларнинг ота-оналарига эса хулоса чиқариш, чора-тадбир кўриш имкони берилди.

Масалан, Қибрай туманида истиқомат қилувчи вояга етмаганлар Ж.Умарбеков ва Р.Азизовлар ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктириб, Шредер номидаги марказий хўжаликнинг иссиқхонасига икки маротаба яширин равишда киришиб умумий нархи 550.000 сўмлик кўчатларни ўғирлаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а,в» бандларида назарда тутилган жиноятни содир қилишда айбланганлар.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди судланувчиларнинг муқаддам судланмаганликлари, айбига иқрорлик билдириб, қилмишларидан пушаймонликлари, етказилган зарар ихтиёрий равишда тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги инобатга олиниб, ҳар иккаласига уч йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаган ҳолда жазони шартли ҳисоблаб, 1 йилдан синов муддати белгилади.

Бу каби ҳолатларни жиноят ишини юқори инстанция судларида кўриш вақтида ҳам учратиш мумкин. Масалан, жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг жорий йилнинг 26 май кунидаги ҳукмига кўра вояга етмаганлар 1988 йилда туғилган Б.Тошмуродов ва 1987 йилда туғилган Ю.Пауткинлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топилиб, ҳар иккаласи ҳам икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилганлар.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция судлов ҳайъати судланувчиларнинг вояга етмаганликлари, айбларига иқрорлик билдириб қилмишидан пушаймонликлари, етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплагганликларини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартириб, уларни қамоқдан озод этди.

Шу ўринда бир таассавур қилиб кўрайлик: арзимас қилмиши эвазига озодликдан маҳрум этилган ёшлар қамоқхоналарда қандай муҳитда яшайди, нимани ўрганади? Улар ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллашлари ва жазодан озод бўлганликларидан кейин ҳам оғир жиноятлар содир қилишга мойил бўлиб қайтишлари кўп кузатилган.

Халқимизда бирни кўриб шукр қил, мингни кўриб фикр қил, деган ҳикматли гап бор. Атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, ҳукуматимиз кўрсатаётган бағрикенгликдан, қонунларимизнинг инсонпарварлигидан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз керак. Содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти болалар назоратсиз қолаётгани, улар бўш вақтларида ижтимоий фойдали машғулот билан шуғулланишга жалб қилинмаётгани сабабли бўлмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида тузилиб, бугунги кунда самарали натижалар бераётган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси имкониятларидан кенг фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бир суҳбат ёки мақола доирасида либераллаштириш тўғрисидаги Қонун қамраб олган барча жиҳатларни, унинг мазмун-моҳиятини очиб беришнинг имконияти йўқ, албатта.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилишидан кўзланган асосий мақсад — инсон қадр-қиммати, манфаатини ҳимоя этиш. Инсон тақдирига масъулият билан, ғамхўрлик билан қараш. Аммо шу ўринда айтиш керакки, айби, гуноҳи кечирилаётган, озодликдан маҳрум этиш жазосидан асраб қолинаётган ҳар бир фуқаро кўрсатилаётган инсонпарварлик, берилаётган имкониятнинг қадрига етиб, тўғри хулосалар чиқармоғи лозим. Агар масъулият унутилса, қонун томонидан кўрсатилаётган меҳр-шавқатга лоқайдлик билан муносабатда бўлинса, оқибати яхшиликка олиб келмайди.

Йўлдош НАЗАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раиси

ҚУЛАЙЛИК ВА МАДАНИЯТЛИ ХИЗМАТ

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, чунончи, ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим жиҳатларидан бири саналган жамоат транспортини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Яқин йилларда жамоат транспортини, шу жумладан пойтахтимиз автомобиль паркини сифат жиҳатидан янгилаш белгиланган.

Маълумки, айнан Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Германиянинг жаҳонга машҳур «Мерседес-Бенц» русумли автобусларини харид қилган эди. Ҳозир пойтахтимиздаги йўловчиларнинг 65 фоизи айнан шу автобусларда ташилмоқда. Шу кунларда эса янги русумдаги «Мерседес-Бенц»лар сони 100 тага кўпайди. Шу муносабат билан «Дедеман Силк Роад Тошкент» меҳмонхонасида янги келтирилган автобусларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси бошқаруви раиси Равшан Файзуллаев таъкидлаганидек, янги русумдаги «Марседес-Бенц»лар пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг узоғини яқин қилишда қулайлик яратиб, йўловчиларга маданиятли хизмат кўрсатишга имкон беради.

Дарвоқе, жорий йилнинг охирига қадар шартномага кўра яна 200 та шундай автобус олинади.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

❖❖❖

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЖАМОАТ ФОНДЛАРИ — ЖАМИЯТ ХИЗМАТИДА!

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қонун лойиҳалари ва бошқа эътиборга лойиқ масалалар қаторида «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда маъқулланди. Унинг барчага тааллуқлилиги, долзарблилиги ва аҳамиятлилиги ҳисобга олиниб, умумхалқ муҳокамасига чиқарилган эди.

Қонун лойиҳаси ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва сиёсатшуносларнинг кўплаб хорижий экспертларнинг эътиборидан четда қолмаслиги шак-шубҳасиз. Зеро, **«ушбу қонуннинг мақсади жамоат фондларини ташкил этиш, уларнинг фаолият юритишини, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат»**дир.

Қонун лойиҳаси етти боб, 38 моддадан иборат бўлиб, у жамият ҳаётининг шу соҳасида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни ўз ичига қамраб олган десак, муболаға бўлмайди.

Хусусан, Қонун лойиҳасининг биринчи бобида умумий қоидалар ҳақида гап кетса, иккинчи бобида фондни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, учинчи бобида фоднинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тўртинчи бобида фонд фаолиятининг иқтисодий асоси, бешинчи бобида фондни бошқариш, олтинчи бобида фонд фаолиятининг устидан назорат ва ниҳоят, еттинчи бобида якунловчи қоидалар белгилаб қўйилган.

Қонун лойиҳаси пухта ишланганлигини эътироф этган ҳолда, баъзи бир фикр-мулоҳазаларни айтиб ўтишни жоиз, деб топдим.

Хусусан, Қонун лойиҳаси 4-моддасининг иккинчи хатбошисида «Уставга мувофиқ фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки икки ёхуд ундан ортиқ вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ҳудудида амалга оширадиган фондлар республика фондлари жумласига киради», деб белгиланади. Менинг фикримча, **«республика фондлари жумласига» мамлакатимиз ҳудудининг ярмидан кўпида фаолият кўрсатаётган фондларнигина киритиш,** мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Лойиҳа 5-моддасининг биринчи хатбошисида «Фонд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва бошқа давлатларда ваколатхоналар очиши ҳамда филиаллар ташкил этиши мумкин»лиги айтилган. Ушбу ваколатни фақат **республика фондлари жумласига кирган фондларгагина берилса,** тўғри бўлади.

Ушбу модданинг тўртинчи хатбошисида эса «Фоднинг ваколатхоналари ва филиаллари юридик шахс бўлиши мумкин эмас», дейилган. Бу чегаралаш фондлар ривожланишига соя солиши ва улар фаолиятларида қўшимча қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шундай экан: **«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёинки бошқа давлатларда очилган ваколатхоналар ва филиалларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига уларни ташкил этган фонд масъулдир»,** деб белгиланишини таклиф қилган бўлардим.

Шунингдек, Қонун лойиҳасининг 17-моддаси, еттинчи хатбошисини «оммавий ахборот воситаларини, **шу жумладан ҳаммуассисликда** таъсис этиш ва ноширлик фаолиятини амалга оширишга;» деб берилишини таклиф этаман. Зеро, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ва ташкил этилиши мумкин бўлган барча жамоат фондларининг ўз оммавий ахборот воситасига эга бўлиши учун етарли маблағга эга бўлиши қийин.

Умуман олганда, ушбу Қонун лойиҳаси маромига етказилиб, Олий Мажлиснинг XII сессиясида қабул қилиниши мамлакатимиз фуқаролари фаоллигини оширишга, жамиятимизнинг янада ривож топишига, халқимиз ҳаётининг янада фаровонроқ бўлишига хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Маҳмуд ТОИРОВ,
сиёсатшунос

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИГА

«Обод маҳалла йили» дастури ҳамда Экология ва саломатлик кунлари доирасида Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш мақсадида уюштирилган «Экосан» саломатлик поезди Қорақалпоғистон сафаридан қайтди. Юқори малакали мутахассис-шифокорлар 8 кун мобайнида 4500 дан кўпроқ аҳолига тиббий ёрдам кўрсатдилар. 480 кишини флюрографиядан ўтказдилар ҳамда касалликнинг олдини олиш билан боғлиқ тушунтириш ишлари олиб борилди. 80 дан кўпроқ лекция ва суҳбатлар уюштирилди.

Поезд таркибида жами 20 миллион сўмдан зиёд кийимкечак, озиқ-овқат, дори-дармон, мебель ва дезинфекциялаш воситалари, болалар спорт анжомлари бор эди. Булар Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ, Тахтакўпир, Қораўзак, Элликқалъа, Чимбой, Кўнғирот шифохоналари, мактаблари ҳамда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга топширилди.

Ёрдамни ташкил этишга «Орол оналари ва болаларига» шиори остида ўтказилган экологик умумҳашардан тушган маблағ ишлатилди. Албатта, «Мебель» акциядорлик жамиятини, «Ўздонмаҳсулот», «Тошкентмебель», «Файз», «ЎзБАТ» қўшма корхоналари, бошқа қатор йирик корпорация, ташкилотлар ҳам ёрдам кўрсатдилар.

Умида МАНСУРОВА

МАҚСАД — СИФАТНИ ОШИРИШ

Тарихнинг шаҳодат беришича, ўтган асрнинг ўн тўртинчи йилида Шаҳрисабзга темир йўл тортилган ва кичкина корхонада тайёрланган илк пахта тойлари Россияга олиб кетила бошланган. Эллигинчи йилларда қурилган пахта тозалаш корхонаси бинолари шу кунгача яраб келди. Айни кунларда катта қурилиш ишлари кетмоқда.

«Сўғдиёна» ва бошқа қурилиш ташкилотлари ҳамда корхонанинг ўз қурувчилари ҳамжиҳат меҳнат қилишмоқда. Қайта ишлаш цехи жойлашган бино тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Хусусан, тола ажратиш жараёни тўлиқ такомиллаштирилади. Янги дастгоҳлар ўрнатилади. Боиси сифатни яхшилаш.

Умуман, Қашқадарё пахтасининг сифати юқори. АҚШ, Швейцария, Франция, Италия, Англия, Бельгия ва бошқа ўнлаб хорижий давлатларда воҳа пахтасига талаб катта. Шу йил Бутунжаҳон сифат қўмитаси Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказган 5-анжуманида «Қашқадарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик компаниясига тола сифати учун олтин совринни топширди. Бу юрт ва воҳа пахтасининг, қўли қадоқ пахтакор меҳнатининг жаҳоний эътирофидир.

Бироқ сифатни янада яхшилаш мунтазам эътиборда турмоғи лозим. Шаҳрисабз пахта тозалаш корхонасининг таъмирланаётгани шунга қаратилган. Бундай қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари Яккабоғ корхонасида ҳам амалга оширилмоқда. Тўлиқ таъмирланган, янги ускуналар билан жиҳозланган корхоналар бу йилги етиштирилган пахтани қайта ишлайди. Қурилиш суръати шунга яраша бўлаяпти.

Юнус УЗОҚОВ

Истеъмолчи ҳуқуқи

«БИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ...»

Ҳар биримиз кундалик ҳаётда истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларимиздан фойдаланамиз. Баъзан эса ҳуқуқларингиз бузилаётганлигини сезасиз: бозорда сизга 3 кило деб тортиб берилган картошканинг чўғи камроқ... Супермаркетдан сотиб олинган шарбатнинг сақланиш муддати ўтиб кетган... Қонун-қоидалардан сал-пал хабарингиз бўлса ҳам, ҳафсала қилмай қўл силтаб қўя қоласиз. «Бундай ҳолатда бизга мурожаат қилинг», — дейди Қорақалпоғистон истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Пўлат ЗАРИКЕЕВ.

— Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти пайдо бўлганда тадбиркорлардан, ҳатто истеъмолчиларнинг ўзларидан ҳам «Яна битта назорат қилувчи ташкилот-да?» қабилидаги гапларни эшитганмиз...

— Тўғри, шундай деганлар оз эмасди. Аммо бугун одамлар фикри ўзгарган. Бунга осонликча эришилмади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоралари тўғрисида»ги қароридан сўнг туманлардаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияга бирлашди. Айни кунда 4,5 мингга яқин аъзомиз, ҳар бир тумандаги жамиятда беш нафардан ходимимиз бор.

Дастлабки мониторинглар ўтказилди, камчиликлар аниқланган ҳолларда жарималар солинди. Бирон дўконга кириб харид қилинг, чек берилмаган тақдирда чекни талаб қилиб кўринг. Дўкондаги харидорлар орасида «Мана бу билимдоннинг чек талаб қилишини қаранг-а» деб истеҳзо билан қарайдиган, ҳатто буни юзингизга очиқ-ойдин айтадиганлар топилади. Мониторинг ўтказилиб, одамлар индамай олиб кетаётган, муддати ўтган, истеъмолга яроқсиз маҳсулотнинг сертификатини суриштирса кимга ҳам ёқади?

— Фуқароларнинг истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши таниб олишлари учун нималар қилиш керак?

— Жамиятимизнинг асосий вазифаси ҳам шу-да. Юқорида тилга олинган қарорда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатдаги қонун меъёрларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тадбирларини кўриш, ички бозорда сотилаётган истеъмол молларининг сифат ва хавфсизлиги борасида мониторинглар ўтказиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида маърифий тушунтириш ишларини олиб бориш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш, назорат органлари билан ҳамкорлик қилиш вазифалари аниқ белгиланган. Фуқароларнинг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилиш тартиблари ҳақида жамият аъзолари иштирокида семинарлар ўтказдик. Аввало ўз ходимларимизнинг ҳуқуқий билими, маданиятини оширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Улар ўз навбатида турли жамоаларда, маҳаллаларда тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

— Ўз ҳуқуқлари ҳимоясини сўраб мурожаат қилганларга қандай ёрдам кўрсатиляпти?

— Албатта. Чимбой туманидан бир фуқаро «Қорақалпоқсувоқова» ишлаб чиқариш корхонасига тўлаш учун ойлик маошидан 17 минг сўм ноқонуний ушлаб қолингани ҳақида шикоят қилди. Маълум бўлишича, унинг хонадонидаги сув тармоғи уч йилдан буён ишламайди. У сувни кўчадаги крандан ташиётган экан. Бизнинг аралашувимиздан сўнг «Қорақалпоқсувоқова» корхонаси билдирувномасини бекор қилди ва фуқаронинг қарзини пастроқ тариф билан бошқатдан ҳисоблади.

Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган беш нафар фуқаро хонадонига ўрнатилган телефон тармоғи ўчириб қўйилганлигидан норози бўлишди. Баъзан кимнингдир телефон рақамини териб «Бу рақам пули тўланмаганлиги учун вақтинча ўчирилган» деган хабарни эшитгандирсиз-а? Аммо, телефонни ўчириб қўйишнинг ўз қонун-қоидалари бор. Агар шаҳарлараро алоқадан қарзингиз бўлса, огоҳлантиришсиз шаҳарлараро алоқани узиб қўйишса, иложингиз йўқ. Аммо, абонентлик тўловини вақтида тўламаганлиги учун бир қанча жараёнлардан кейингина телефонни ўчириш мумкин: аввал абонент қарз миқдори ва тўлашнинг охирги муддати ҳақида огоҳлантирилади, шунда ҳам тўламаса, абонентга хат орқали мурожаат қилиниб, судга берилиши ҳақида билдирилади. Ва суд қароридан кейингина телефон ўчириб қўйилади.

Бозор иқтисоди шароитида, ҳуқуқий демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини тўла ҳимоя қила оладиган истеъмолчи даражасига кўтарилиши керак. Баъзан бирон фуқаро билан биттагина учрашувимиз ҳам бу жараёнга катта туртки беради. Бир аёл бозордан сотиб олган чарм пальтони кўтариб келди — бир енги иккинчисидан қисқа экан, уйга бориб сезиб қолибди. Сотувчи йигит молни қайтиб олишни истамабди. Аёлга бирон нарса харид қилганда, чек ёки квитанция олиши лозимлигини, шу ҳолдагина унинг манфаатларини ҳимоя қилиш имкони бўлишини уқдирдик. Табиийки, энди ўша аёл бирон нарса харид қилса, албатта чекини ҳам сўрайди.

— Биласизми, баъзан бозорда бирон нарса тортиб беришаётганда тарози тоши ўрнига бир парча гўшт бўлагини қўйишганини кўраман. Бу манзарани деярли барча бозорларда кузатиш мумкин...

— Худди шу масалада барча туманлардаги деҳқон бозорларида мониторинг ўтказдик. Сиз айтгандек аҳволга дуч келдик. Бозор раҳбарларига сотувчиларни давлат стандартидан ўтказилган тош-тарозилар билан таъминлаш ҳақида билдириш хатлари жўнатилди. Улар тарози тошларини қаердан оламиз, уни ишлаб чиқарадиган корхона бўлмаса, деган эътироз билдиришди. Тош-тарози муаммосининг ҳали ҳам долзарб бўлиб қолаётганига асосий сабаб балки, шудир.

Кичкинагина бир эътиборсизлик жуда кўплаб одамларнинг манфаатига путур етказади. Масалан, дўконларда Нукусдаги «Қорақалпоқтуз» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган бир килограммлик қадоқланган ош тузи сотилмоқда. Аммо бу маҳсулотнинг тайёрланган санаси кўрсатилмаганлиги аниқланди.

Ўтган бир неча ой ичида туманлардаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан ўтказилган мониторингларда яроқлилик муддати ўтиб кетган маҳсулотларни сотиш бўйича бешта факт аниқланиб, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси қошидаги махсус комиссияга тақдим этилди. Ҳар бир айбдор шахсга энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида жарима солинди. 18 ҳолатда «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси бузилганлиги аниқланиб, айбдорлар энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жаримага тортилди.

Лекин ишимиз натижаси ундирилган жарималар миқдори билан белгиланмаслиги керак. Қачонки, ҳар бир фуқаро истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларини англаса, яхши кўрсаткичларга эришдик, деб айта оламиз.

...Менимча, бу борадаги дастлабки ютуқлар тўғрисида гапирса бўлар. Пўлат Зарикеев билан суҳбатни тугатиб, чиқиб кетаётганимда, унинг қабулхонасида навбат кутиб турган одамларни кўрдим. Шундан ҳам хулоса қилса бўлади, улар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган жамият ишлай бошлаганини яхши билишади ва унга ишониб мурожаат қилишаяпти.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Банк ва мижоз

«ҒАЛЛАБАНК»: ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАСТУРИ

«...Кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларининг банк тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди»
Ислом КАРИМОВ
(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисдаги маърузадан)

2003 йилнинг биринчи ярми йирик молия институтларидан бири — бугун фаолият кўрсата бошлаганига тўққиз йил бўлаётган «Ғаллабанк» учун самарали бўлди. Банк капиталини кўпайтириш, хорижий кредит линияларини иқтисодиётга жалб этиш, аҳоли учун қулай ва зарур хизмат турларини амалиётга татбиқ этиш, ахборотларни қайта ишлашнинг замонавий усулларини қўллаш шулар жумласидандир. Қувонарлиси шуки, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи соҳалар ўртасида «Европа Маркетинг Тадқиқотлари Маркази» (Бельгия) томонидан давлатлараро ўтказилган таҳлилларга кўра «Ғаллабанк» «Агробизнес-2003» танловининг ғолиби, деб топилди.

Банк замон талабларига жавоб берган ҳолда фаолият юритаётганлиги боис мижозлар сони барқарор ўсишига эришилмоқда. Зеро, банк хизматлари борасидаги рақобатнинг асосий мақсади ҳам кўпроқ мижоз жалб эта билишдан иборатдир. Жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг жойлардаги тузилмалари томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг умумий сони 41250 тага етиб, йил бошига нисбатан 1700 тага кўпдир. Мижозларнинг ўсиши эса ўз-ўзидан уларнинг қўшимча маблағларга бўлган эҳтиёжларининг ҳам ўсишини англатади. Буни инобатга олган ҳолда банк ўз капиталини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Чунончи, 2003 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк умумий капитали миқдори 11,4 млрд. сўмга етди.

Жорий йилда банк активларининг сифатига, тармоқлар бўйича шаклланишига, айниқса хизмат кўрсатилаётган кичик ва ўрта тадбиркорлар, фермер хўжаликлари эҳтиёжларига йўналтирилаётган активлар ҳажмини муттасил ошириш кун тартибига кўтарилди. Хусусан, ўтган ярим йил давомида 2638 та мижозга 12594,0 млн. сўмлик кредитлар берилди активларнинг умумий миқдори 72350,7 млн. сўмдан ортди.

Банк активлари фақат кредитлардан иборат бўлиб қолмаслигига эришиш мақсадида лизинг ва факторинг каби активларни жойлаштиришнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Ҳисобот даврида жами 771,0 млн. сўмлик факторинг амаллари бажарилиб, улар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектларнинг 3170,0 млн. сўмликка яқин ўзаро қарздорликларини қисқартиришга эришилди.

Албатта, фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ, Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида фаолият юритаётган, давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда ғалла маҳсулотлари етказиб берадиган фермер хўжаликлари тажриба тарзида Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма ҳисобига бўнаклаштириш ўрнига имтиёзли кредитлаш механизмига ўтказилди. Банкнинг мазкур вилоятлардаги филиаллари 19548,4 тонна пахта етиштириш бўйича 499 та ҳамда 10367,5 тонна ғалла етказиб бериш юзасидан эса 403 та (фермерлар билан) контрактация-шартномалари тузганлар.

Аслида ҳар йилги тартиб асосида мўлжалланган технологик карталарга мувофиқ 19548,4 тонна пахта етиштириш учун фермерларга 1084,1 млн. сўмлик, 10367,5 тонна ғалла етиштириш учун эса 205,8 млн. сўмлик, жами 1289,9 млн. сўмлик маблағ бўнак тарзида фермерларга Жамғарма маблағлари ҳисобига етказилиши лозим эди.

Жорий йилдаги имтиёзли кредитлаш тартибига асосан ғаллакор хўжаликларга 91,1 млн. сўмлик ёки берилиши мумкин бўлган маблағнинг 48,6 фоизи берилди.

Бошқа банклар қатори «Ғаллабанк»да ҳам режали тадбирлар амалга оширилиб, фермерлар учун қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, ўтган ярим йилликда фермер хўжаликлари учун банк ўз маблағлари ҳисобига 318,4 млн. сўмлик кредит ажратилди. Янгидан ўз фаолиятларини бошлаган 82 та фермер хўжалиги учун эса 83,0 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит бошланғич сармояларини шакллантириш учун берилди. Ўз навбатида, шу йил 1 июль ҳолатига кўра узоқ қишлоқ ҳудудларида фаолият кўрсатаётган минибанклар сони 40 тадан ошди. Улар 3146 тадан ортиқ мижозга хизмат кўрсатаяпти, шунинг асосий қисми ёки 2100 тасини фермер хўжаликлари ташкил этаяпти.

Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш дастури асосида банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 1617,2 млн. сўмлик кредит қўйилмалари тадбиркорларнинг асосли лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди. Берилган ушбу кредитларнинг 53,4 фоизи ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бўлиб, унинг 447,7 млн. сўмлиги банк соф фойдаси ҳисобига шакллантирилаётган «Имтиёзли кредитлаш Жамғармаси» ҳиссасига тўғри келади.

Фаолиятларини янгидан бошлаб, банкда ўз ҳисоб варақларини очган тадбиркорларга, оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлганларга банк томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳамкорликда қарийб 240,0 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Ўтган ярим йилликда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаш учун йўналтирилган барча қўйилмалар ҳисобига 1600 дан зиёд янги ишчи ўринлари яратилди.

— Албатта, банк маблағларини активлар сифатида жойлаштиришнинг асосий манбаи жисмоний ва юридик шахс сифатидаги мижозларимиздан жалб этилган омонатлар ва депозитлар ҳисобланишини, бугунги кунда банклар ўртасида бу борада соғлом рақобатнинг ниҳоятда кучайганлигини эътиборга олиб ишни ташкил этганмиз, — дейди РАТБ «Ғаллабанк» бошқаруви раиси Икромжон Ўринбоев. — Аҳоли учун қулай ва юқори даромадли омонат турларининг муомалага киритилиши натижасида аҳоли омонатларининг қолдиғи 2822,1 млн. сўмга ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 524,5 млн. сўмга кўпайди.

Аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк оборотига жалб этишда янги усуллардан фойдаланиш давом эттирилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб банкнинг эмиссия ҳажми 300,0 млн. сўм бўлган омонат сертификатларининг тўртинчи эмиссияси аҳоли ўртасида жойлаштирилиши давом этмоқда. Бу эса банкнинг муомаладаги омонат сертификатлари ҳажмини 600,0 млн. сўмга етказишни таъминлайди.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

НАВБАТМА-НАВБАТ БОШҚАРАДИ

Ироқ муваққат ҳукумати Кенгашининг қарорига кўра, эндиликда ҳукумат ва мамлакатни унинг таркибидаги 9 нафар вакил навбатма-навбат бошқаради. Улар этник гуруҳларнинг вакиллари бўлиб, яқинда ўтказилган йиғилишда ҳукуматга ягона раис танлаш масаласи кўрилди. Афсуски, ҳукуматнинг 25 аъзоси бу борада бир фикрга кела олмадилар. Шунинг учун ҳам ҳукуматни бошқаришда Европа Иттифоқи тизимидаги усул қабул қилинди, яъни ғалмагалдан бошқариш.

Энди шиаларнинг 5 вакили, суннийларнинг 2, ҳамда курдларнинг 2 вакилидан иборат таркиб қандай раислик қилиш тартиби устида ишланмоқда. Кузатувларга кўра, ҳукумат кенгашини бошқариш тартиби алифбо кўрсаткичи бўйича амалга оширилса керак. Шунда 9 нафар номзод орасида тенглик сақланади, дея хабар беради BBC News.

БИР ТЎХТАМГА КЕЛИШОЛМАДИЛАР

Исроилнинг Ha'aretz газетаси сайтида тарқатилган хабарларга кўра, Иордан дарёси ғарбий қирғоғидаги шаҳарларни Фаластин мухторияти назоратига бериш масаласи бўйича ўтказилган Исроил мудофаа вазири Шаул Мофаз ва Фаластин хавфсизлик хизмати бошлиғи Муҳаммад Дохлан ўртасидаги учрашув натижасиз якунланди. Улар кун тартибига қўйилган масалада келиша олмадилар. Яъни Исроил Калкилия ва Иерихон шаҳарларини Фаластин муҳторияти назоратига беришни таклиф этди. Аммо Фаластин бу икки шаҳардан бирининг ўрнига Рамаллохни беришларини талаб қилмоқда. Негаки, бу шаҳарда Фаластин етакчиси Ёсир Арафот ва бош вазир Маҳмуд Аббосларнинг қароргоҳлари жойлашган. Исроил эса бунга кўнмаётир.

Лекин муросага келиш мақсадида Исроил ўз қўшинини Фаластиннинг яна бир шаҳридан олиб чиқиб кетиши мумкинлигини маълум қилди.

Қисқаси, Мофаз ва Дохлан бу масала бўйича яқин кунларда яна музокара олиб боришга келишиб олдилар.

МУЗОКАРАЛАР СЕНТЯБРДА ЎТКАЗИЛАДИ

АҚШ, Шимолий Корея ва Хитой давлатлари Корея Халқ Демократик Республикасининг ядро дастури юзасидан музокаралар ўтказишга тайёргарликнинг якуний босқичида турибди. Манбаларга қараганда, мазкур масала бўйича уч давлат ўртасидаги музокаралар сентябрнинг биринчи ҳафтасида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Бу ҳақда Японияннинг Kyodo агентлиги хабар тарқатди.


Монреалнинг осмонўпар бинолари

Дўстлик риштаалари

МУШТАРАК ЖИҲАТЛАР

Хорижий мамлакатларнинг ҳаёт тарзи ва урф-одатларини ўрганиш, улар билан маданий алоқалар ўрнатишда Тошкент вилояти ҳокимлиги қошида ташкил этилган «Конкорд» аёллар клубининг фаолияти диққатга сазовор. Вилоят ҳокимининг муовини Адиба Аҳмаджонованинг таъкидлашича, бу клубнинг аъзолари асосан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчилар ва дипломатик корпус ходимларининг турмуш ўртоқлари ҳамда Тошкент вилоят хотин-қизлар қўмитасининг фаолларидир. Клубнинг асосий вазифаси турли мамлакатларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи билан яқиндан танишиш. Ўз навбатида халқимизнинг анъаналарини намойиш қилиш, бир пиёла чой устида маънавий-маданий ҳордиқ чиқариш ҳам анъана тусига кирган.

Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги кечада Индонезия элчихонаси меҳмон бўлди. Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Хасим Салех кечани очар экан, халқларимиз ўртасидаги муштарак жиҳатларга алоҳида тўхталиб, бу улар турмуш тарзининг, урф-одатларининг, анъаналарининг умумий томонларида намоён бўлишига эътибор берди. 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши халқимиз тарихий қадриятларининг тикланишида катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Индонезия элчихонаси томонидан халқ чолғу асбобларидан бири — анклунг ва аёлларнинг асрдан-асрга ўтиб келаётган анъанавий кийими — батик намойиш этилди ва улар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Анклунг асбоби тузилиши ва чалиниш принципига кўра чанг асбобини эслатади. Фақат чангни бир одам чалса, анклунг асбобида 60 дан 160 тагача одам мусиқа ижро этиши мумкин. Бир мусиқани ижро этишда ҳар бир ижрочи маълум нотани ўз вақтида ижро этиши лозим, акс ҳолда ягона мусиқа пайдо бўлмайди.

Индонезия ўлкасининг ўзига хос томонларини акс эттирувчи хусусиятларидан бири — батик санъати. Батик Ява тилидан таржима қилинганда «қайноқ мум билан расм чизиш» деган маънони билдиради. Батик учун одатда пахтадан ишланган матолар қўлланилади.

Батикда акс эттирилган расмлар, тасвир-безаклар бутун борлиқни, инсоният маънавий дунёсининг қадриятларини акс эттириши билан ўзига хосдир. Масалан, «Маҳобҳорат» ва «Рамаяна» достонларидаги сюжетлар, Индонезия, Бирма, Суматранинг табиати, Шарқ ҳудолари ва афсонавий қушларнинг қиёфалари бетакрор санъат асари сифатида ҳар қандай инсонни ўзига жалб этади.

Батик учун лозим бўлган матони тайёрлаш бир қанча босқичдан иборат бўлган мураккаб жараённи ўз ичига олади. Биринчи босқичда мато яхшилаб ивитилади, сўнг оққа бўялади ва ниҳоят қайнатилади. Иккинчи босқичда эса мато қайноқ мум билан қопланади, унга ранг берилади ва қуритилади. Айрим асарлар узоқ ойлар, ҳатто йиллар давомида яратилган. Турмушга узатиладиган ҳар бир қизнинг сепида, албатта, батик усулида тайёрланган кийим-кечак, саруполар, уй безаклари, эшик, дераза пардалари, деворга осиб қўйиладиган матолар бўлиши шарт.

Бугунги кунда қўлда яратилган асарлар жуда юқори баҳоланади. Кўпчилик рассомлар япон-хитой услубини қўллаган ҳолда ажойиб санъат намуналарини яратмоқдалар. Мум ўрнини каучук ва бензин аралашмасидан тайёрланган — гутта моддаси эгалламоқда. Акриль рангларининг пайдо бўлиши ва оддий техника ҳар бир одамга ўз тасаввуридаги тасвирни яратиш имконини бермоқда.

Бўлиб ўтган кеча мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги, маданий-маърифий алоқаларнинг, дўстликнинг кундан кунга мустаҳкамланиб бораётганлиги тимсолидир.

Тўланбой ҚУРБОНОВ

Суратда: батик намойиши.

Болалар спорти

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИ

ШУ БОИС БУХОРО ВИЛОЯТИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Спортга ошно қалб орият, ғурур, мардликка йўғрилади. Мана шунинг учун ҳам Юртбошимиз болалар спортини ривожлантиришни кун тартибидаги энг долзарб вазифа қилиб қўйди. Бугун вилоятда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро минтақавий филиалига қирққа яқин ташкилот ҳомийлик қилаётгани бежиз эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоят аҳолисининг 421 минг нафарини 5-17 ёшли болалар ва ўсмирлар ташкил қилади. Хўш, уларнинг қанчаси спорт билан шуғулланади? Таҳлилларга қараганда, 209 минг ўғилнинг юз минг нафари, жами 50 фоиздан зиёдроғи, 211 минг нафар қизнинг эса атиги 33 фоизи илгари жисмоний тарбияга жалб этилганди. Буни туманлар миқёсида ўрганадиган бўлсак, болалар спорти Бухоро, Пешку, Когон, Ромитан, Вобкент, Ғиждувон туманларида қатор йиллардан буён оқсаб келган. Сабаби шароит етарли бўлмаган, бу ҳам етмагандек, туман ҳокимлари хаёлида фақат пахта ва дон режасини бажариш ташвиши бўлган. Далилларга таянадиган бўлсак, вилоятда ҳаммаси бўлиб 2312 та спорт иншооти бор. Бу, албатта, етарли эмас. Вилоят ва туман марказларини безаб турган 1571 та спорт иншоотигина талабга жавоб беришини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада ҳали кўп иш қилиниши кераклиги аён бўлади.

Яна бир жиҳат. Вилоятдаги аксарият ширкат хўжаликлари ва мактаблардаги ўйингоҳларда иккита дарвозаю, турникдан бўлак ҳеч нарса кўзга ташланмайди. Кўриб шу ҳам стадион бўлдими, дейсиз. Югуриш йўлакчалари, турли майдончалар ташкил этилмаган. Ювиниш, кийиниш хоналари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Пешку, Когон, Ромитан, Вобкент туманларида буни яққол сезиш мумкин. Бугунги кунда болаларнинг спорт билан кўнгилдагидек шуғулланишлари учун яна 1382 та иншоот қуриш талаб этилади.

Яна бир муаммо. Болаларда спорт кўникмаларини, маданиятини эртароқ шакллантириб боришда боғча ва мактаблар муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун ҳам шароит, ҳам мураббий керак. Лекин вилоятда бугунги кунда ўрта мактабларга 1000 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси етишмайди. Ишлаётганларининг ҳаммасида савия, малака юқори деб бўлмайди. Шу ўринда бир мисол: ҳозир аксарият мактабларда бошланғич таълим ёки меҳнат таълими ўқитувчилари жисмоний тарбиядан болаларга сабоқ беряпти. Бунинг устига жисмоний тарбия дарслиги яратилмаган. Мана шунинг учун ҳам оммавийлик баробарида маҳорат оқсаяпти. Қоракўлдаги 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида биргина енгил атлетика соҳасида 12 мураббий иш олиб борса-да, мазкур мактабнинг вакиллари ҳатто вилоят мусобақаларида бирор марта ҳам қатнаша олмаяпти. Ҳолбуки, вилоятда бундай мактаблардан 28 таси мавжуд.

Обод маҳалла йили дастурида ҳам бу муҳим вазифа алоҳида ўрин эгаллайди. Маҳалла спортини ривожлантириш учун ҳали вилоятда кўп иш қилиниши даркор. Энди вилоятнинг ҳар бир қишлоғида замонавий лойиҳа асосида спорт мажмуалари барпо этилади.

— Бу борада «камолот»чилар ташаббусни ўз қўлларига олдилар, — дейди «Камолот» ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Садриддин Шаропов. — Ҳар бир маҳаллада спорт майдончаси барпо этяпмиз. Хусусан, Бухоро шаҳри, Шофиркон, Жондор, Қоракўл туманлари қишлоқ ва маҳаллаларида спорт майдончаларининг барпо этилиши ёшларга манзур бўлади.

Шофиркон туманидаги «Талисафед» ширкат хўжалигининг «Ғуломте» қишлоғида янгидан стадион бунёд этилиб, спорт-соғломлаштириш клуби фаолияти йўлга қўйилгач, ёшлар бўш вақтларини шу ерда ўтказадиган бўлдилар. Ёки Жондор туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалигидаги ўйингоҳни айтмайсизми? Ташландиқ ўйингоҳ қайта таъмирланди. Ҳам қишлоқ оқсоқоли, ҳам тадбиркор Анвар Атоев хўжаликда янгидан ташкил этилган футбол жамоасини ҳомийликка олди.

— Бухорода истеъдодлар кўп, — дейди 4-ихтисослашган Олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори И. Сайфуллаев. — Фақат уларни танлаш ва тарбиялаш керак. Бунда Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу хусусда қабул қилинган ҳукумат қарори муҳим аҳамият касб этаётир.

— Дарҳақиқат, болалар спортини ривожлантириш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни ҳис қилган бухороликлар фаолиятларини янада жонлантирадилар, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Исмоил Мирзаев. — Бу эса кўзланган мақсадларга тезроқ етишимизнинг асосий омили бўлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Интер-спорт

КАРПОВ ... ҚАМОҚХОНАДА ДОНА СУРМОҚЧИ

Машҳур шохмотчи Анатолий Карпов қамоқхонада бир гуруҳ жиноятчилар билан дона суришга қарор қилганди ва 10 нафар маҳбус гроссмейстер билан дона суриш имкониятига эга бўлди. Собиқ жаҳон чемпиони айни пайтда 15 та тахтада бир йўла дона суриш баҳсини ҳам уюштирмоқчи. Анатолий Карпов ўзи аъзо бўлган Жанубий ҳудуддаги ахлоқ тузатиш тизими ғамхўрлик Кенгашининг ташаббуси билан ана шундай ўзига хос баҳс уюштирмоқчи.

ФУТБОЛГА АЁЛ ҲАКАМЛИК ҚИЛАДИ

14 август куни Жаҳон футболи тарихида биринчи марта УЕФА кубоги учун ўтказиладиган учрашувни аёл ҳакам бошқарадиган бўляпти. Швейцариялик 36 ёшли Николь Петиньят Швецияда ўтказиладиган маҳаллий АІК ҳамда Исландиянинг «Fylkir» жамоалари учрашувига ҳакамлик қилади. Петиньят 1999 йили Швейцария миллий лигаси учрашувларига ҳакамлик қилган. 4 йил аввал эса АҚШда ўтказилган аёллар жаҳон чемпионатининг финал учрашувини бошқарган. Эслатамиз, Николь дунёдаги энг яхши ҳакамлардан саналувчи швейцариялик Урсом Майернинг хотинидир.

Андижон шаҳридаги олимпия заҳиралари спорт коллежи 910 ўқувчига мўлжалланган. Бу спорт кошонаси қишки ва ёзги сузиш ҳавзалари, атлетика манежи, умуман, олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган кўпгина спорт турлари бўйича машғулот майдонларига эга. Унда 25 турдаги спорт мусобақаларини ўтказиш мумкин.

Спорт коллежининг жаҳон андозалари даражасида барпо этилганлиги боис, бундан икки ой муқаддам бу ерда мамлакатимиз ёшларининг «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақаларининг финал босқичи юксак савияда ўтказилганди. Айни пайтда ушбу муҳташам ва замонавий спорт маскани андижонлик ёшлар ихтиёрида. Бугунги кунда ўғил-қизлар севимли спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини оширишмоқда.

❖❖❖

Суратда: коллеж раҳбари Фозилжон Асронов (ўртада) спортчи ёшлар билан.

Аъзамжон ҚОДИРОВ олган сурат

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Ilhom KAROMOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 762
7731 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Хикматли сўзлар маъноси

ЖОНДАН КЕЧМАСАНГ — ЖОНОНА ҚАЙДА, ТОҚҚА ЧИҚМАСАНГ — ДЎЛОНА ҚАЙДА?!

Бу мақол билан роҳатга меҳнат-машаққатсиз эришиб бўлмаслиги уқтирилади ва бу машаққатдан қўрқмасликка, унга бардош беришга, дадил ҳаракат қилишга даъват этилади. «Жонингни қийнамасанг — жонона қайда, Хотин олмасанг — қайнона қайда?!»; «Жон қийналмай юмуш битмас, Талаб бўлмай муродга етмас» (талаб — бу ерда «орзу-истак», «интилиш» деган маънода келтирилган); «Жондан кечмай дарё кечилмас».

ЖАР БОШИГА ЕТГАНДА ОТНИНГ БОШИНИ ТОРТМА

Югуриб-елиб кетаётган отни жар бошига етганда тўхтатаман, деб уруниш — бефойда. У тўхташга улгуролмай, жарга ағанаб кетади, ўзи ҳам, устидаги одам ҳам ҳалокатга учрайди. Мажози: «Бирор фалокатни, хавф-хатарни сездингми, дарҳол олдини олиш, олдиндан даф қилиш чорасини кўр», дейилмоқчи.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Ходимлар билан ишлаш департаментининг директори, Бошқарув аъзоси **Абдувоҳид МАМАДАЛИЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ҲДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси Андижон вилоят партия кенгаши биринчи котиби Саркоржон Раҳимовга онаси **МУБОРАКХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АТ «Савдогарбанк» жамоаси Марказий банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти директори **Абдувоҳид МАМАДАЛИЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги Янгийўл шаҳар давлат инспекцияси бошлиғи Ойбек Қодировга онаси **Саломат ҚОДИРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Мусиқа, миллат, маънавият

САНЪАТДА ФИДОЙИЛИК КЕРАК

Замонавий эстрада ва мумтоз мусиқа уйғунлиги ҳақида фикрлар

Бутун сози ва овози ила маънавий қадриятларимизни улуғлаб, мамлакатимиз маданий тараққиётига ўзига хос руҳият бахш этиб келаётган санъат намояндалари орасида мумтоз мусиқа ва замонавий эстрадани биргаликда ҳис қилувчи иқтидор соҳиблари талайгина. Иқтидорли санъаткор, миллий эстрада иштиёқманди Тоҳир РАЖАБОВ ана шундай ижодкорлар сирасига киради.

Ўзбек санъатининг ёрқин юлдузларидан бири, академик Юнус Ражабий хонадонида туғилиб камол топган созанда қадим санъатимизни янги анъаналар уйғунлигида мустаҳкамлаб, унинг жаҳон саҳнига кўтарилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган истеъдодлардан. Санъаткор билан мулоқотимиз миллий мусиқа санъатининг бугуни ва эртаси, анъанавий ижро мактаблари ҳақида бўлди.

— Сизнингча, санъатдаги миллий руҳни сақлашда аввало нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Устозларимиз яратган ўлмас асарлар халқимизнинг бебаҳо мероси сифатида улуғланиши юртимизда санъатнинг қадри нечоғлик юксаклигидан далолат. Дарҳақиқат, мақомлар бутун бир илми, фалсафаси авж пардасининг ажойиб ва эркин таралиши билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Уни тинглаган, дил-дилдан ҳис қилган киши мақомлардан олам-олам завқ олади. Бугина эмас, асрлар оша сайқалланиб келаётган миллий наволаримиз қадимийлиги ва ўлмас анъаналарни тараннум этиши билан Шарқ халқларининг маънавий мулкига айланган. Мисол тариқасида икки йилдан буён ўтказиб келинаётган «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалини олайлик. Сиз айтинг-чи, ота-боболаримизнинг қадимий анъаналари билан суғорилган миллий қўшиқларимиз қайси халқникидан кам? Бой қадриятлар руҳиятини ҳамон сақлаб келаётган қатор ашулаларимизни тинглаб, ҳатто хорижлик нуфузли меҳмонлар ҳам ҳайратларини яширолмаяптилар. Демоқчиманки, санъат — ҳар бир миллатнинг ўзлигини намоён этувчи кўзгу. Унда халқнинг бор фазилати, анъана ва қадриятлари акс этмоғи лозим. Ҳозирда хоҳ мумтоз, хоҳ эстрада жанрида ижод қилаётган санъаткор бўлсин, аввало шу муҳим жиҳатни унутмаслиги керак.

— Тоҳир ака, суҳбатимиз ўз-ўзидан мумтоз мусиқа ва эстрада санъати ўртасидаги муносабатнинг бугунги аҳволи хусусида ҳам тўхталиб ўтишни тақозо этмоқда. Сиз бу икки жанр ўртасидаги мувофиқликни қандай изоҳлайсиз?

— Аввало, уларни бир-бири билан аралаштириб юбормаслик керак, деб ўйлайман. Классик ижрочиликнинг ўз ифода услуби, оҳанги бўлса, эстрада жанрининг ҳам ўзига хос анъаналари мавжуд. Кейинги пайтда мумтоз санъатимизга нисбатан қарашлар хилма-хиллик касб этмоқда. Назаримда, биз халқона оҳангларга қанчалик яқинлашсак, унинг буюклигини, улуғорлигини янада теран ҳис этамиз.

Ҳозир мумтоз мусиқа ва замонавий эстрада ўртасидаги бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонлар хусусида тез-тез муносабат билдирилаяпти. Айримлар ўйлаганидек, замонавий эстрада янги йўналишларни кашф этаётган бўлса-да, бироқ бу мумтоз санъатни батамом инкор қилиш, дегани эмас. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, замонавий эстраданинг аксарият йўналишлари замирида анъанавийликни тарғиб этиш ётади.

— Бугунги кунда ҳамманинг диққат-эътиборида турган миллий эстрададаги ёшларимизнинг ижроси ҳақида нималар дея оласиз?

— Аввало, ўзлигингни, миллатингни, унинг санъатини ардоқласанг, қилган меҳнатларинг самараси ҳам шунга яраша бўлади. Замонавий эстрадада халқчиллик қанча кучли бўлса, бундай куй-қўшиқларни тингловчи осон қабул қилади.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда санъатга бўлган эътибор кучайди. Замонавий санъат кошоналари қад ростлади. Бундай даргоҳларда таълим олаётган юзлаб истеъдодли ёшларимиз халқимиз санъатини жаҳон саҳналарида намойиш этишмоқда.

Истеъдодлар ҳар куни туғилавермайди. Ёш созанда ўзи устида тинмай ишлаши, изланиши лозим. Шундагина унинг иқтидори барқ уриб ривожланади. Ҳозир айрим ёш қўшиқчиларимиз осонроқ тушуниладиган мусиқа ахтариб ёки тезроқ танилиш илинжида тайёр ашулаларга шеърни топиб ижро этишаяпти. Бу каби бирёқламалик санъатнинг саёзлашувига олиб келади. Бундай «ижро»ни бир эшитган киши уни бошқа орзу қилмай қўяди. Лекин шундай санъаткорларимиз борки, улар миллий мусиқа ва замонавий ижрочилик уйғунлигида яратаётган қўшиқлари мусиқий хазинамизни янги дурдоналар билан бойитмоқда.

Қўшиқ матни ва мусиқаси саёз, ўхшамаган шеърлардан эмас, балки савияси етук, мазмунли, таъсирчан сўзларга басталанган бўлса, мухлислар давраси ҳамиша кенг бўлиши табиий. Санъаткор фидойи бўлса у нафақат мусиқа бўстонига янги оҳанг бахш этади, балки ўз ижоди билан халқнинг маънавий юксалишига ҳам улуш қўшади.

Суҳбатдош:
Шаҳноза РИЗАЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси магистри

Бу — қизиқ

«90-РАЗМЕР»ЛИ ЭТИКНИ КИМ КИЙГАН?



Нукус ўлкашунослик музейининг Тўрткўл филиали ноёб тарихий ашёлар, ёдгорликларга бой. Бу ерга келувчилар сони тобора кўпайиб бораётгани ҳам шундан.

Музейнинг кўргазмалар залида сақланаётган ўтган асрларга тегишли 90-размерли этик киши диққатини ўзига тортиши табиий. Ушбу ноёб экспонат пухта ва чидамлилиги жиҳатидан ҳозирги унча-мунча пойабзаллардан қолишмайди. Этикнинг чап томонига ёзилган «КОКО» ёзуви унинг бир вақтлар Италия фирмаларида тайёрланганини билдиради.

Хўш, бу улкан этикни ким кийган? У Тўрткўл музейига қандай келиб қолган?

Гап шундаки, бундан икки йил муқаддам Ургутдан Беруний туманидаги Султон Увайс бобо зиёратгоҳига келган меҳмонлар шу яқин орадаги овулда яшовчи бир кишидан ўша ғаройиб этикни сотиб олади. Улар қайтаётиб Тўрткўл шаҳридаги постга келишганида, милиция ходимлари тўхтатиб, юкларини кўздан кечиришади. Ва, мазкур этикни «топиб олишади». Натижада қадимий мерос Тўрткўл ўлкашунослик музейига топширилади.

— Шундай қилиб, экспонатларимиз ёнига яна бир ажойиб ёдгорлик қўшилди, — дейди музей директори Зуҳра Матякубова.

Бу улкан этик тарихи, келиб чиқишини аниқлаш — тарихчиларимизга ҳавола.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Қилмиш-қидирмиш

ЯШИРИН ЦЕХГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

«...Карманадаги Мирзо Улуғбек кўчаси, 9-уйда яширин цех ишлаяпти...»

Навоий вилоят давлат солиқ бошқармасига тушган хабар бошқарма ходимларини бефарқ қолдирмади. Солиқчилар дарҳол (аниқроғи, шу йил 16 июль куни) кўрсатилган манзилни фуқаро — Умид Пўлатовга тегишли уйни кўздан кечириб, 200 та шиша (ҳар бир шиша 0,5 литр ҳажмли ва 750 сўмдан), жами 150 минг сўмлик қўлда тайёрланган, қалбаки ароқ маҳсулотлари сотилганлигини аниқлашди.

Текшириш жараёнида «тадбиркор» У.Пўлатовдан 41 дона елимли идишларда (жами 61,5 литр, ҳар бир идиш 2800 сўмдан) 114800 сўмлик спирт маҳсулоти, 21 та бўш шиша, 2 дона ароқ маркасини елимлаш учун елим ва 10 дона ароқ қопқоқлари далилий ашё сифатида олинди. Уй эгасининг туман ҳокимлиги ва солиқ органлари рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний равишда ўз уйида яширин цех очиб, қўлбола ароқ ишлаб чиқараётганлиги тасдиқланди. Ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлимига юборилди.

Неъмат БЎРОНОВ,
Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.